

**2020 йил 24 апрелда “Эл-юрт умиди” жамғармаси
томонидан ташкил этилган онлайн видеоконференциянинг**

ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Бугунги кунда бутун дунёни коронавирус пандемияси қамраб олган бир шароитда “Эл-юрт умиди” жамғармасининг хорижий давлатларда таҳсил олиб юрган стипендиатлари, шунингдек, хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан видеомулоқотлар, масофадан турли мавзуларда видеоконференциялар ўтказиб, дунё мамлакатлари ва Ўзбекистонда бўлаётган воқеаларни кенг таҳлил қилиб келмоқда.

“Эл-юрт умиди” жамғармасининг навбатдаги онлайн видеоконференцияси **2020 йил 24 апрелда** Жамғарманинг хорижий давлатларда ўз ўқишларини давом эттираётган **84 нафар** стипендиатлари иштирокида бўлиб ўтди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари бугунги кунда **АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия, Испания, Италия, Япония, Жанубий Корея, Россия Федерацияси ва Беларусь Республикаларининг** нуфузли олий таълим муассасаларида магистратура, докторантура ва стажировка дастурлари орқали таҳсил олиб келишмоқда. Видеоконференция Ўзбекистонда тобора оммалашиб бораётган **ZOOM дастури ва алоқа тизими** орқали ўтказилди.

Видеоконференцияда Ўзбекистонда ва дунё мамлакатларида коронавирус пандемиясини олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кенг таҳлили билан бир қаторда, стипендиатларнинг сihat-саломатлиги, уларнинг уй шароитида қолиб ўқишларини давом эттираётганликлари ҳамда уларга яратилган шарт-шароитлар, шунингдек, стипендиатларнинг мавжуд саволларига Жамғарма раҳбар ва мутахассислари томонидан тегишли жавоблар қайтарилди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари ўз навбатида бугунги карантин вақтида уйда қолиб масофадан таълим олишни давом эттираётганликлари, муҳтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевга яратиб берилган барча имкониятлар ва шароитлар учун катта миннатдорчилигини билдиришди, шунингдек, глобал коронавирус пандемияси шароитида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан олиб борилаётган ишларни хорижий давлатларда таҳсил олиб юрган “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари юқори баҳолашди. Шу билан бирга, стипендиатларнинг фикрича, улар таҳсил олиб юрган давлатларда Ўзбекистон Республикасининг глобал коронавирус пандемияси ва унга қарши курашиш борасида олиб бораётган тажрибаси таҳсинга сазовор эканлиги ва эътирофларга сабаб бўлаётганлигини таъкидлашди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси 2018 йилда **375 нафар**, 2019 йилда **605 нафар** стипендиатларини, вазирлик, идора ва ташкилот мутахассисларини очик танлов асосида **20 дан ортиқ** хорижий давлатларнинг **200 дан ортиқ** нуфузли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, ташкилот ва компанияларида магистратура ва докторантура, стажировка ва малака ошириш дастурлари орқали таҳсил олишлари учун юборган. Бугунги кунга қадар **980 нафар** стипендиатларнинг **895 нафари** хорижий давлатларда ўқишларини тамомлаб

Ўзбекистон Республикасига қайтиб келишган ва вазирлик, идора ва ташкилотларда, шунингдек, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларида ўз фаолиятларини олиб боришмоқда.

Маълумот учун:

“Эл-юрт умиди” жамғармаси мутахассисларни хорижда тайёрлаш билан бирга, хорижий давлатларда истиқомат қилаётган катта илмий ва амалий тажрибага эга ватандошлар билан мулоқотлар ўрнатиш унинг энг асосий вазифалари ҳисобланади.

2020 йил 14 мартда АҚШ, Канада, Бельгия, Австралия, Жанубий Кореяда истиқомат қилаётган, катта илмий ва амалий тажрибага эга **15 нафар** ватандошлар билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳузурида Халқаро экспертлар кенгашининг таъсис видеоконференциясини ўтказган эди.

Халқаро экспертлар **Кенгашнинг асосий мақсади** – мамлакатимиз олий таълим тизимини ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни олий таълим муассасалари амалиётида кенг қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш, олий таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизасини ўтказиш асосида олий таълим сифатини оширишга кўмаклашишдан иборат.

Жумладан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси қошида ташкил этилган Халқаро экспертлар кенгаши **жорий йил 4, 14, 18 апрел** кунлари ҳам видеоконференциялар ўтказди. Мазкур видеоконференцияларда “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳузуридаги Халқаро экспертлар кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул бошқарма бошлиқлари, Республика ОТМлари ректор, проректорлари ва профессор-ўқитувчилари қатнашган эди.

Видеоконференцияларда **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, молиявий ўз-ўзини бошқаришга ўтган ОТМ** фаолиятини ташкил этиш ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш, шунингдек, олий таълим муассасаларида **“Кредит-модуль”** тизимини жорий этиш масалалари, тегишли йўналишлар кесимида ўқув режалари, фанлар ва уларга ажратилган соатлар, талабалар учун ҳафталик ўқув юкламаси, семестрга ажратилган фанлар ва унинг соатлари, ўқув йилига режалаштирилган умумий соатлар ҳажми, илмий-тадқиқотларни олиб боришни такомиллаштириш ва бошқа шу каби масалалар муҳокама этилди ҳамда ватандош-экспертларнинг мазкур масалалардаги таклиф ва тавсиялари юзасидан очиқ ва самимий руҳда видеомулоқотлар бўлиб ўтган эди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этиладиган навбатдаги видеоконференция **жорий йил 2 ва 16 май кунларига** режалаштирилган бўлиб, уларда хориждаги ватандош олимларимиз ва экспертларимиз томонидан республика олий таълим муассасалари учун долзарб мавзуларда, хусусан, уларнинг нуфузли халқаро рейтингларда иштирок этишларига оид йўналишларда тақдимотлар тайёрланмоқда.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси Матбуот хизмати